

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан ниде бошлаган.

№ 248 (7. 337)



1990 йил 29 октябрь, душанба

Баҳоси 3 тийин.

Бугун Тошкентда ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси очилди

Амалий ишлар кўпроқ бўлсин

Дарҳақиқат ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларининг учинчи сессияси кун тартибидан долзарб масалалар жой олган. Жумладан, депутатлар Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятини бозор иқтисодиётига ўтиш дастури тўғрисидаги, 1991 йилда Ўзбекистон ССЖни ривожлантириш йўллари, мулкчилик тўғрисидаги ва шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисидаги қатор қонуни лойиҳаларини муҳокама қиладилар. Сессия ишида бир гуруҳ тошкентлик депутатлар ҳам ишти-

рок этияптилар. Уйлаймики, улар бу сессияда фаоллик кўрсатиб, халқ дилидаги муҳим масалаларни кўтариб чиқадилар. Ваҳоланки Тошкентнинг ўзида ҳам ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Табийки, бу масалаларда ҳар бир депутат ўз фикр-мулоҳазасига эга. Ана шу мулоҳазалар билан ўртоқлашиш мақсадида бугун биз халқ вакилларидан бир нечасига сўз берамиз.

Рўзноманинг шу сонига

ИҚТИСОДИЁТ СОҒЛОМЛИГИ— ЖАМИЯТ ТОТУВЛИГИ

Эркин ШАЙХОВ,

профессор, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби.

— БУГУН ўз ишнини бошлаган жумҳурият Олий Кенгаши навбатдаги сессияси кун тартибидан масалалар фойдалангани таъкидлашга ҳақ бўлади. Шундай бўлсада Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қондаларининг матбуотда эълон қилинган лойиҳаси депутатлар диққат марказида бўлиши шубҳасиздир.

Хўжалик юретишининг маъмурий-бўйруқбозлик усули иқтисодиётимизни иқтирозга дучор қилди. Ҳозирга келиб истеъмол бозоридан вазиет таҳликали ҳолатга тушиб қолди. Жумҳурият ҳудудидан айрим минтақаларнинг иқтисодий тараққиёти даражасидаги тафовут бу кескинликни янада кучайтирмоқда.

Олий Кенгаш ҳужумига ҳавола этилган ҳужжатда тўпланиб қолган иқтисодий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг чинакам йўли сифатида меҳнат омилларини тубдан ўзгартириш, меҳнатта ҳақ тўлашдаги текшириликна барҳам бериш, бозор иқтисодиётига ўтиш, деб тўғри кўрсатилган.

Меҳнатқашлар, сайловчилар билан кўпдан-кўп учрашувлар, мулоқотлар уларнинг бозор иқтисодиётидан ҳадисраётганликларини кўрсатди. Бунга кўп жиҳатдан Иттифоқ ҳукуматининг жамиятдаги аҳвол, кайфиятини ҳисобга олмасдан нарх-навоми кескин оширишга қаратилган режаси сабаб бўлди. Шу босдан кўпчилик бозор иқтисодиётини асосан нарх-навоми кўтариш, деб тушуноқдалар.

Лойиҳада «Жумҳурият ўз имкониятлари ва ҳаракатларига мувофиқ равишда бозор муносабатларини шакллантиради ва бу ишда аввалги босқич тўла-тўқис амалга оширилгандан кейингина навбатдаги босқичга ўтилади», деб алоҳида таъкидланганлиги диққатга сазовордир.

Шундай бўлса ҳам депутатлар муҳокамага қўйлаётган лойиҳага қатор аниқликлар киритиш керак, деган фикрдаман.

Ҳужжатда айтилганидек, ҳисоб-китоблар махсус тадбирлариз Ўзбекистонда ўтиш даврида ишчилар сонини анча кўпайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бунинг жумҳуриятимиз аҳолисига салбий таъсирини илжори чинакам таъмирлаш учун қўшимча чоралар кўриш ниҳоятда мумкин.

Бу муаммоларни ҳал қилишда ўрта ва майда корхоналарни ривожлантиришнинг аҳамияти каттадир. Тўғри, лойиҳада улар яхши ишлаши учун қонуний кафолатлар ва молиявий имтиёзлар кўзда тутилмагани айтилади. Фикримча, майда ва янги корхоналар хўжалигимиздан тазорқ мустаҳкам ва муносиб ўрин олиши учун эҳтимол зарар кўриб ишлаётган корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини улгартириш имтиёзлари нарҳларда сотиш, ҳам ашё билан таъминлаш кафолатларини, солиқ тўлашда енгилликлар бериш керак. Чунки, жумҳуриятимизда бирдангина ўз сармоясига ўрта ва кичик корхоналар ишнини йўлга қўй оладиганлар кам топилди. Бундан эса бозорда уларнинг йирик корхоналар билан баб-баравар рақобат қилишини тасаввур этиб бўлмайди.

Биз ҳозирдан корхоналарга раҳбарлик қиладиган мутахассисларни тайёрлашга киришишимиз керак. Шу жиҳатдан олий йилмуҳола ўқув дастурларини жиддий қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Ҳозир уларга мустақиллик берилганлиги бунга кенг йўл очмоқда. Аммо ҳукумат, тегишли вазирилар жумҳуриятимиз халқ хўжалиги учун қандай ва қанча мутахассис тайёрлаш ҳақида иқтисодий буртма бериши даркор.

Биз иқтисодиётимизни соғломлаштириш орқалигина жамиятимизда тотувликни таъминлай оламиз. Шунинг учун жумҳурият Олий Кенгаши депутатлари бу масалаларда ўз масъулиятларини тўла ҳис қиладилар, деган умиддаман.

Бирдан-бир тўғри йўл

Ботир ЭРГАШЕВ,

Тошкент тўқимачилик комбинатининг Бош директори.

— САЙЛОВ пайтидаги шов-шувлар ўтиб, депутатлар энди жойларида нақалар бўйича иш бошлади. Бат-зиллар ҳатто депутатлар фақат сайланб олгунча югурди деган фикрларга айтишяпти, ёки нақалар рўйхатга олинди бўлди-де, энди иш жойидан силжирмиди, деб гумонсирмоқда. Тўғри, вазибаларимизнинг ҳаммасини қўйилмақом қилиб ажарайимиз демоқчи эмасман, лекин силжир, ўзгартиш ҳам йўқ эмас. Бугун очилган учинчи сессия ҳар бир депутат учун навбатдаги ҳисобот анжумани ҳам бўлиши керак. Яъни халқ вакили ўтган сессия орқали нима иш қила олди, қаерда хатога йўл қўйди ёки қайси бир масалани удралай олмади, шулар ҳусусида ўзига ўзи ҳисоб бера олсин.

Бугунги анжуманининг кун тартибига қўйлаётган масала айтиш жоиз бўлса, жумҳуриятимиз тадбирини, халқимиз эртани кунини белгилайди. Муҳокама қилишимиз лозим бўлган қонун лойиҳалари ҳар биримизга юксак масъулият юкити қўяди. Жумладан ундай энг асосий масала жумҳуриятимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи. Бу бизга керак. Қанчалик қийин бўлмасин, иқтисодиётимизни соғломлаштиришнинг бирдан-бир йўли шу. Негаки, биз ўзга жумҳуриятлардан нарсани қиммат баҳоюда харид қилиб, ўзинингнинг ҳам ашёни арзонгаровга бериб юборолмайми. Бу халқимиз учун яна ҳам танг аҳволни вужудга келтириши мумкин. Айни шу вазиетни тушуниб етган жумҳуриятимиз раҳбарияти ўз вақтида тўғри қадам ташламоқда.

Биз шу пайтагача одамларнинг турмуш тарзини, яратувчилик аҳволи билан чинакамга қизиқиб кўрганамиз йўқ. Оқибатда, одамлар ўртасида жуда кўп нарсига ишонч йўқола борди. Иқтисодиётимиздаги иқтироз эса кутмаган ҳолда чинакамлашиб қолди. Уни қайта тиклаш, ишчилар ишончини оқлаш, бугунги сессия қатнашчиларидан чинакам фидоийлик ва масъулиятли меҳнатни талаб қилади. Бугунги ишчимизнинг ривожини эртани кунининг фаровонлиги учун асосий нуқта, муҳим заминдир.

Масъулият тарозуси

Мўхсар МУҲАММАДҚУЛОВА,

10-тўғруққона бош шифокори.

— БОЗОР иқтисодиётига ўтиш эртага бизга нима беради, деган савол катта-ю кичкина ўйлантираётган бирдан бир ташвишлардан бўлиб қолди. Шахсан мен бу йўлни маъқуллаймаман. Негаки, қанча қийин бўлмасин, бозор иқтисодиётига ўтишимиз керак. Бундан иқтисодий инқироздан қутилишимиз иложи йўқ. Бунда меҳнатқашларнинг маънафати орқали натижа рўбюга чиқади. Чунки илгаригидек ишлаган ҳам, ишламаган ҳам натижа олавермай, балки чинакам иш берадиган киши ниятига етди. Тўғри, аввалга қийин кечши табий. Аммо чинакам, матонатли халқимиз олимизидан қийинчилигини енга олади. Бизга қанчалик қийин бўлмасин, фарзандларимиз, мана бугун туғилаётган гўдаклар учун бўлакча турмуш тарзини яратди. Айниқса, бу агар жумҳурият мустақиллиги қўлга тегса яхши амалга ошади, ҳам осонроқ ўтади. Биздан биргина шу ерости ресурсларимизнинг ўзи ҳар қандай тиланишга пойдевор ясай олади.

Мендан кўпича, депутат сифатида ишнингиздан қониқасизми деб сўрашди. Дарҳақиқат, жуда оғир паллада депутатликка сайландим. Мен сайланган 42-сайлов округида 25 мингга яқин киши истиқомат қилади. Демак, 25 минг кишининг билдирган ишончи ҳар доим зиммадаги масъулият тарозини босиб туриши керак. Энди ишдан қониқиб масаласига келсан, афсуски бу нарсга эришганимизча йўқ. Шундай бир муаммолар кўндаланг бўлиб турибдики, депутат уни ҳал қилиш имконига эга эмас. Масалан, бизнинг 20 йиллик Сергели районидан маданий-маиший, умуман социал объектлар учун негандир маблағ жуда кам ажратилган. Муаммоларимиз жуда ҳам кўп-у, гап қуруқ бўлиб қолаётганда Энг асосийси — уй-жой масаласини олинг. Шундай сайловчилар борки, шароити жуда аянчи. Икки квадрат метрдан кам бўлган жойда яшайдиганлари бор. Уларга қачонгача ваъда бериш мумкин. Асаблари шу қадар тарағли, уларни юпатиш, ваъда қилиш билан иш битмайди.

Умуман иш йўқ, деган фикрдан узоқдаман. Кам бўлса ҳам, ўзгартиш бор. Лекин, катта-катта муаммолар ичидан яхши ишларимиз юртимиз кетаяпти. Жумҳуриятимиз депутатларининг навбатдаги анжумани ҳар биримизнинг кўндаланг кўндаланг бери йиғилиб қолган бу каби масалаларни бартараф қилишга омил бўла олади, деб ипонаман.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҒЕАЛАР, ШАРҲЛАР



УШБУ СУРАТДА Тошкент мебель ойналари фабрикасининг қўли гул илчиси Зухра Абдувалиева кўриб турибсиз. У ўз меҳнати билан хонадонларимизга файз бағишламоқда.

Касб байрами базми ИШОНЧ БАҒОЛАРИ

— АВТОМОБИЛЬ транспортсиз мамлакат халқ хўжалигининг бугунги ривожини тасаввур этиш қийин. Ҳар соҳада, ҳар бир жабҳада транспортчиларнинг ўрни ва роли аққол сезилиб турибди. Улар турли хўжалик юкларини ташиндан тортиб, йўловчиларни манзилларига етказиб қўйишда шарафли ишларни муваффақиятли адо этмоқдалар. Транспортчиларнинг анъанавий касб байрамлари муносабати билан шаҳримиздаги В. И. Ленин номи СССР халқлари дўстлиги саройининг кичик залида Акмал Икромов район транспорт ташкилотларининг байрам базми бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари район партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бўлишди. Байрам базмида шу райондаги 14 та транспорт ташкилотининг 200 нафардан зиёд фидоий касб эгалари иштирок этдилар.

— Меҳнат аҳлининг байрамларини ишонч равишда таъинлашга айланмоқда қолган, — деди йиғилишни очган Акмал Икромов район партия қўмитасининг биринчи котиби Қудратилла Мирсоатович Рафиров. — Районимизни чинакамга транспортчилар району дейиш мумкин. Мавжуд 14 транспорт ташкилотидан эндиликда 8 минг нафардан зиёд киши хизмат қилмоқда. Улар ўз зиммаларидаги вазибаларини сидидилдан бажармоқдалар. Район партия, совет ташкилотлари билан ҳаммаларининг касб байрамларининг йўлини ҳаминча бехатар бўлин.

— Шундан сўнг, кўпчилик транспортчилар району партия қўмитасининг фидоий вакиллари, 220 транспортчи эсалик «Ором» бозорлар босқисининг тарбияланувчилари табригини йиғилганлар. Ўз мамнуният билан қарши олдилар. Уларнинг чинишлари дилрабо кўзишларга уланиб кетди. Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Хайдаров, А. Қаҳҳор номи жумҳурият сатира театри, «Кўту» кириқчиллар уюшимини вакиллари, Акмал Икромов район маданият уйи бадий хаваскорлари икросида янграган қўшиқлар, ичак узди ҳазиллар ҳаммага манзур бўлди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ХОСИЯТЛИ ДАСТҒОҶ

— ПОЯТАХТАДА «Учқун» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасига жумҳуриятимизнинг Андижон ва Фарғона вилоятларидан сифатли хомаш ёки келирилади. Бироқ, гапининг очини дастгоҳлар эскилиги туфайли қўланган вазибаларга эришишда илгари қийинчиликлар туғилди.

Вирлашмага яқинда Швейцариядан янги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Бу тадбир фақат маҳсулот унуми оширишга эмас, балки унинг сифатига ҳам яхши таъсир кўрсатди.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

Футбол ОРТИҚЧА УРИНМАЙ

Келаси йили олий лига командалари ўртасида тўп суршиш ҳуқуқини қўлга киритган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси кеча ўз майдонда Вороенининг «Фанел» жамоасини қабул қилди. Пахтакорчилар ортиқча уринмай, кўп куч сарфламаган ҳолда 1:0 ҳисобида 53-мамакет биринчилигининг сўнгги тур учрашувини ҳаммаҳарларимиз 3 ноябрь кунини майдонларидан Олмаотанинг «Қайрат» жамоаси билан ўтказдилар.

Бугун—Комсомол

туғилган кун

— Шаҳримиздаги кўпгина меҳнат жамоалари қатори Тошкент чинни заводидан ҳам комсомол-ешлар фидоийлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришяпти. Корхонанинг шундай оловқалб ешларидан бири Ваҳобжон Тошматов. Унинг заводда ишлаётганига ўн йилдан ошди. Шу давр ичидан Ваҳобжон Тошматов чинчиларга сайқал бериш сирларини мукамил эгаллаб олди. Эндиликда унинг қўлидан ўтаётган чинни буюмлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунинг босиб бор, албатта. Негаки, Ваҳобжон ништа бор шекири, қалб қўри, кўз нурини бағишламоқда.

СУРАТДА: Ваҳобжон Тошматов.

Т. Қаримов суратлари.



АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

«АҚШГА... ИЛМГОҲ ДИПЛОМИ БИЛАН»

Назм дафтарида

БОБУР НИДОЛАРИ

Одамлар жим, Оёқ олишлар оғир,
Сукуятни бузар тошлар кўчкиси,
Кўзлар, сўзлар толлар, эзилар бағир,
Орта қолар, орта она-юрт исси.

Ингитлар пинҳона тўқадилар ёш,
Узга юрт шомоли юга солар чағ,
Отларнинг кинини гўё отар тош
Ватан орта қолар, юрт орта, аттанг...

Шоҳона либосда Бобур ёнбошлар,
Угли кўзларда ёш, йиғлайди беун,
Ҳинду дастурхонини гўё отар тош
Икки бош узуму, бир донга қовун.

Дастурхонга томди икки томчи ёш
Томоқда қилгиллар аталгувчи жон,
Не қилсин, не қилсин, беролмас бардош
Қайларда қолдинг эй, она Андижон.

Наслим сўрасангиз шоҳ авлодиман,
Жаҳонни титратган бобомавр ўтган,
Бугун ҳинду элини сўйган шоҳиман,
Хазина—дафинам жаҳонни тутган.

Хоҳласа бўдурман дунё устунин,
Лекин, оламни тутар қалбимнинг оди,
Не қилай йироқдан, кутар ҳар кунин
Юртимнинг туркона тили, тупроғи.

Мана бу Бобурнинг шундоқ сурати
Саллада чақнар латъа, ўйида газал,
Ва лекин аинолар қилар эди у
Шоҳ авлодидан-да авлодан аза.

Дунёнинг тошидек отларкан нард
Юзидан, сўзидан хушкон эди у,
Ич-ичидан сизарди мушкул, оғир сард
Юрtdан кетганига пушмон эди у.

Беш кунлик дунё бу—деганлари рост.
На дунё аглади, на бардан тутдим,
Менда ҳам бор эди соғинч, ахтирос,
Нашвати сингари бир пишиб ўтдим.

Беш кунлик дунё бу—деганлари рост,
Билман ишадимми ё мушкул ўтдим,
Йашини истардим одамларга хос,
Уйримни емирди айрилик ўти.
Мирза КАРИМ.



Санъатнинг сеҳрли олами



● Урта Осие ва Қозоғистон жумҳуриятлари театрларининг аънаввий III худудий фестивали Тожикистон жумҳуриятининг Душанбе шаҳрида кун кеча якуниланди. «Наврўз — 90» деб номланган ушбу анжуман ҳақиқий театр байрамига айланиб кетди. Унда Урта Осие ва Қозоғистон театрлари ўзларининг энг kuchли сўзлар билан катнашдилар. Жуда катта тавбегарлик кўрилган ушбу кўрикде зўр ижодий руҳ ҳукм сурди. Кўплаб янги иштироқлар кашф этилди.

МАНСУР Халлоҷ ва Насимийлар сингари ҳурфидар асарлари ҳамда феодад даври ҳукмрон мафкурасига ўта зид дунёқароши учун қурбон бўлган оташини ўзбек шоири Бобораҳим Машраб номи, адабий мероси халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олган.

Шу жиҳатдан Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейидати «Бобораҳим Машрабнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти» ҳақидаги кўргазма диққатга лойиқ. Бу кўргазма илмий-тематик режа асосида тўзилган бўлиб, қизиқарли материаллар билан жиҳозланган.

Одатда, экспозиция матнли материаллар билан бошланади. Машрабга бағишланган кўргазма ҳам бу ҳолдан мустасно эмас. Матнли материалларда шоир шеърятидан намуналар парча тарзда берилгани билан бирга, унинг машаққатларга тўла етмиш йиллик ҳаётининг айрим лавҳалари ҳам ҳикоя қилинади.

Адабиёт аҳллари маълумки, шоир шодлиги ва тортган азобларини ёрқин ифодалади. У Лутфий, Навоий ва Ҳофиз ижодларини яхши ўрганиб, чуқур билгани ҳолда, адабиётимиз тарихида ўзига хос услуб яратди. Шоир кўплаб ажойиб газаллари билан шеърятимиз хазинасини янада бойитди.

Матнли материалларни ўқиб, таъсирланган адабиёт мухлислари, энди нигоҳларини марказдан ўриш олган, расом Д. Имомов мойбўёқда яратган «Машраб» (1968) номи портретга қаратадилар. Бу сиймога қараб ўйга толасан киши.

Машрабнинг 350 йиллиги олтидан

Ўлим рўпарасидаги қаҳ-қаҳа

Елкасига ола хуржунни осиб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқ-ма-қашлоқ доимий дарбадарлик, мусофирликда умр ўтказган девона Машрабнинг нигоҳи ўткир, айни пайтда чуқур ўйчан. Нималарни хаёлидан ўтказаяпти экан шоир? Балким, «дили тиги ситамдин пор», «тани дарду аламдин яра» бўлган инсонларнинг оғир ҳаёти, қисмати ҳақида ўй суряптимикин? Ёки жаннат, дўзах, «у дунё» каби тўшунчалардан қўл силтаган, уларни «бир шима майга» алмаштиришга, ёхуд «бир пулга сотишга» тавбегилгини баралла айтишга шайланмоқдами? Суратга ҳар қанча тикилмайлик, Машрабнинг маъноли нигоҳидан хурсандчилик, шод-хуррамлик аломатлари сезилмайди. Бу расомнинг маҳорати. Чунки, асар томошабинни ўйлашга, фикрлашга, мушоҳада юритишга қўлайди. Машраб пайшан давр, муҳит ҳақида озгина болса-да, тасаввур яшай қилади.

Шундай ноёб санъат асарлари бу кўргазмада талайгина. Шулардан бири таниқли расом П. Д. Воронкин 1978—1979 йилларда яратган, еттига алоҳида лавҳалардан таркиб топган рангли суратлардир. Бу суратларнинг тўрттаси шу ерда. Биз уларни шундай номладик: «Машраб ҳаёлидаги ер сиймоси», «Машраб ижод оғушида», «Дунё сарғи бир келибон гамзада кеттим», «Машраб дарбадарликда».

Бу нафосат ва назоқат билан чизилган асарларнинг ҳар бирига чуқур маъно юкланган. Расом бор маҳоратини ишга солиб, Машраб ҳаёти ва ижодининг турли онларини мангуликка муҳрлаган. Шу маънода «Машраб ҳаёлидаги ер сиймоси» номи сурат кўпчилигининг эътиборини тортади.

Бу суратни қандай таърифлаш мумкин? Келинг, яхши-ошани шoirнинг қўйидаги мисраларни орқали суратдаги тасвирни кўз олдимизга келтирсак:

Кўнгида заррача дунёнинг меҳри бўлмайин менда,
Сени деб икки одамдан кечиб, безора Машрабман,
Улуб кетсам, сенинг дардинг сўнганин кетмагай асло.
Лаҳад ичра фиғон айлаб, ўзум бечора Машрабман.

Ойнаванд пештахталарда шоир ҳаёти ва ижодининг айрим намуналарини ўзига жамлаган «Машраб» номи китобнинг совет наشري, ўша даврга оид чармдан ишланган китоб муқовалари, рўзғорда фойдаланиладиган асбон-анжомлар, турли бадий безаклар, шунингдек, «Девона Машраб» китобидан олинган саҳифаларнинг сурат нусхаларида намуналар намойиш этилмоқда. Бу каби материаллар мухлисларда XVII аср халқимиз ҳаёти, маданияти ҳақида оз бўлса-да, маълумот бера олиши билан характерлидир.

Оташин шоирга бағишланган кўргазма истеъдодли расом Н. Умарбековнинг «Машрабнинг қатл этилиши» (1972—1973 йиллар) мойбўёқда ишланган катта йирик санъат асари билан якунланади. Расом ижодда алоҳида ўрин касб этгани бу асар, оғир захматли меҳнат маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, бу асарда ўндан ортқ сиймо тасвири тўқалқон, ҳаётини, ўз ифодасини топган.

Асар марказида қўли орқасига боғланган Машраб, дор остида марғур, ҳукмронларга тик қараб турди. Ёнг тарафда Балх ҳокими Маҳмудга Қотогон тахти равонада икки қўлини тизасига қўйиб, виқор билан Машрабга қаҳри кўзларини қадаб ўтирибди. Атрофда эзилган, қаҳ-хуққисиз халқ — Машраб шеърятининг холиси мухлислари — кўзлариди ёш, афсус-надомат ила тўпланганлар. Назаримизда, қатл олдиқан Машраб ўзининг охириги сўзларини айтиб, дунё ишларига қўл силкиб, ўлим рўпарасида қаҳ-қаҳа отиб тургандек.

Дунёга келиб койинга билмай бота қолдим,
Дармон йўқидини захри балосни юта қолдим.
...Кўрдим мен оён душманни руҳи тан экандур,
Ло ўқи билан икки кўзига ота қолдим...

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг раҳбари.

Акбар АЛИЕВ.

АНЖУМАНДА Иттифоқимизнинг йирик театр арбоблари иштирок этишди. Жумладан, С. Айни номидаги тожик давлат академик опера ва балет театрининг биносида ўтказилган фестивалнинг очилиш маросимини Тожикистон ССР маданият вазири Т. М. Абдушукuroва кириш сўзи билан очди. Сўнг Ўзбекистон ССР театр арбоблари уюшмасининг раиси, СССР халқ артисти Б. Қориева, Қозоғистон ССР театр арбоблари уюшмасининг раиси, СССР халқ артисти Ч. Бозорбоев, анжуман ҳакамлари ҳайъатининг раиси, «Театралая жизи» рўномасининг бош муҳаррири О. И. Пивоваров ва бошқалар сўзга чиқиб Иттифоқимизда театр санъатининг ҳозирги аҳоли, келажак режалари ҳақида маъруза қилдилар.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, ушбу худудий кўрик Урта Осие ва Қозоғистон театрларининг ёш, истеъдодли режиссёрлари учун катта маҳорат мактаби бўлиб, ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтади. Зеро, унда намойиш этилган саҳна асарларининг деярли барчасини ёш режиссёрлар сахналаштиради.

«Наврўз — 90» театр байрамини «Наврўз — 89» кўригининг солиби — Фаргона вилоятининг М. Горький номидаги мусиқа ва драма театри Ш. Бобошевнинг «Темир хотин» асари билан бошлаб берди.

«НАВРЎ»НИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ

Спектакллар муҳокамасида Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган театршунос ва санъатшунос олимлар иштирок этидилар. Муҳокамалар жуда қизиқ бəхс ва тортишувлар, хилма-хил фикр-мулоҳазалар орасида ўтади.

Ва ниҳоят, узоқ тортишувлардан сўнг «Наврўз — 90» худудий театрлар кўригининг галибалирига мукофотлар топширилды.

Душанбе Давлат Ёш томошабинлар театрининг «Ахорун» экспериментал студияси сахналаштираган «Юсуфнинг қайтиши» спектакли биринчи ўринни эгаллаб «Гран при» бош совринининг соҳиб бўлди. Қарши шаҳрининг «Мулоқот» театр-студиясининг «Ю. нонга бордим кеч» (чап) ва «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» спектакллари анжуманнинг «Миллий

СУРАТЛАРДА: анжуман бош мукофотининг соҳиб бўлган «Юсуфнинг қайтиши» (чап) ва «Жонига бердим бир кеча» (оқ) (юқорида) томошаларидан лавҳалар.

аънаваларни тиклагани учун» деб номланган соврини ва 1000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Ушбу театр-студия актери Хайрулло Хакбардиев «Режиссёр гошнинг энг яхши ижрочиси» соврини ва 500 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Азамат Саторов эса «Энг яхши сценарияга учун» ва 500 сўм пул мукофотларининг соҳиб бўлди. Умуман, «Мулоқот» театр-студияси жами 10 та соврини ва 2000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди, театар мухлисларининг юракларини забт этди.

«Энг яхши режиссура учун» соврини «Антигона» спектаклининг режиссёри Б. Абдуразақов ва «Петраркини ўқигандан» саҳна асарининг режиссёри Н. Абдуқодировага насиб этди.

Ҳа, оғиллар аниқлиги, мукофотлар топширилды. «Наврўз — 90» фестивали театр санъатининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди, десак хато қилмаймиз. Навбаддеги «Наврўз — 91» театр анжумани эса келаси йили жумҳуриятимизда пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Комп. ТУРСУНБОВ.

Ижодий уюшмаларда

ҚУВОНЧ УЛАШУВЧИЛАР

ЎЗБЕК халқи авлодан ўйнаш-кулгани шевади. Айниқса култи маскани Фарғона vodiёсида асқияқлиқ қадим-қадимдан ривожланиб келган. Бу ердан оламташахур қизилчи ва асқияқчилар етишиб чиққан, улардан Ўзбекистон ССР халқ артисти Юсуфжон қизич Шакаржоннинг номи барчага таниш, ардоқлидир.

Бугунги кунда Юсуфжон қизичнинг фарзанди Зайнобиддин ва бир қатор шогирдлари кишиларга шодлик улашмоқдалар. Устоз ишларини давом эттириш ҳамда номини абадийлаштириш ниётида 1988 йили Наманган шаҳар маданият уyiда «Ворислар» ижодий уюшмаси иш бошлаган. Уюшмага асосан санъатта иштироки бор иқтидорли маҳаллий йшлар синови асосида танаб олган. Ижодий уюшма уч театр-студиядан, яъни кўриқоч, ёш томошабинлар ва Юсуфжон қизич Шакаржон номидаги ҳаёв ва ҳақон студияларидан ташкил топган. Студиянинг афзаллиги шунданки, у ўз-ўзини маъна билан таъминлаш усулига ўтган. Саҳна бекалари ва костюмлар шартнома асосида тайёрланади, қолган ишларнинг ҳаммаси актёрлар томонидан bajarилди. Бу усул актёр ва режиссёрдан ўз устиди кўпроқ ишларини талаб этади. Ти-



ниқсиз меҳнат эса муваффақият тарафини. Таъиндан кўпроқ жонивки, студия иш бошлаганида давлатдан қара олманг эди. Ҳозирда ўз транспортга ҳам эга. Студияда фаолият кўрсатаётган Норқўзн Қўқоров, Соибназар Шарипов каби ёш актёрлар маҳоратидан томошабинлар мамнун.

Уюшманинг «Ворислар» деб аталганида ҳам катта маъно бор. Чунки уюшма аъзолари Юсуфжон қизич инжиро этган асқияқларни янгидан халққа тақдим қилишда кўпроқ иштирок этаётган. Ҳозир «Ворис»нинг сахна асарларида жамияти миқ ушбу ет бўлган иллат ва қўсулар фоиш этилиб, каттич тақдир остига олинмоқда. Уюшма жамоеси элга манзур бўладиган асарлар яратиш учун тинимсиз ижодий ишланмоқдалар. Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ.

Ўзбекистон ахборот агентлигининг жумҳурият рўномаларида ана шундай сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада муштарийларда катта қизиқиш уйғотди. Мақолада истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек номида жамғарма билан ёш оғиллар ва мутахассислар уюшмаси хорижий мамлакатларнинг дорифунуналари ҳамда илмий марказларида ўқиш ва иш ўрганиш учун гуруҳлар туза бошлаганига айтилган эди. Муштарийларнинг истеъдодли ҳисобга олган ЭТАГ муҳбири Л. Струнникова Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши илмий, муҳандис ва бошқарув ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларни тейёрлаш комиссиясининг бош мутахассиси З. З. Исроиловдан шу ҳақда батафсилроқ гапириб берганини илтимос қилди.

— Зоҳид Зокирович, хорижий мамлакатларда ўқиш ва иш ўрганиш ташкил этилишидан қўзғалган маъсад нима?

— Ўзбекистонда жумҳуриятимизда бошланган ўзгаришлар муваффақиятини таъминлаш учун илмий, муҳандис ва бошқарув ходимларини ўз касблари бўйича тейёрлаш юзасидан миллий дастур ишлаб чиқилмоқда. Бунинг учун иккита ташкилот тузилди. Уларнинг бири олимлар, таъкид фан ва маданият арбобларининг ташаббуси асосида тузилган жамоат ташкилоти бўлиб, бу истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек номидаги жамғармадир. Иккинчиси — ҳукумат комиссияси бўлиб, унга 40 га яқин фан маданият арбоблари, вазириятлар ва идора ларнинг раҳбарлари аъзо бўлиб киришган.

Дастурда фан, техник, ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш соҳасида тупланган жаҳон тажрибасини ўзлаштиришга ва ундан амалда фойдаланишга ёшларни жалб этиш кўзда тутилди. Валютани камчилиги сабабли қобилияти ёшларни халқаро ташкилотлар йўли билан, Фарб жамғармалари ва мутасаддилар орқали қўллаб-қувватлаш имкониятини қидира бошладик. Уларнинг бири — «Айрекс» (Халқаро тадқиқотлар ва жаҳон алмашувлари кенгаши) истиқболли ёшларнинг Америка Қўшма Штатларидаги дорифунунал, коллежалар, тижорат мактабларига киришларига ёрдам беради. Инглиз тилини яхши билиш асосий талабларнинг бири сифатида ёшлар олдига қўйилган.

Биз «Айрекс»нинг Москвадаги шўбаси билан уларнинг вақиллари дарс ўқишлари, маслаҳатлар беришлари хусусида келишиб олдик. Шу дарслар чоғида Америка Қўшма Штатларидаги дорифунунал, коллежалар, тижорат мактабларига киришларига ёрдам беради. Инглиз тилини яхши билиш асосий талабларнинг бири сифатида ёшлар олдига қўйилган.

Биз «Айрекс»нинг Москвадаги шўбаси билан уларнинг вақиллари дарс ўқишлари, маслаҳатлар беришлари хусусида келишиб олдик. Шу дарслар чоғида Америка Қўшма Штатларидаги дорифунунал, коллежалар, тижорат мактабларига киришларига ёрдам беради. Инглиз тилини яхши билиш асосий талабларнинг бири сифатида ёшлар олдига қўйилган.

— Фарб мамлакатларига ўқиш ёки иш ўрганиш учун юборилаётган гуруҳлар ташкил этилаётганда қандай касб намоёндаларига афзаллик берилади?

— Биринчидан қишлоқ хўжалиги мутахассислари, айниқса пахта комплекси, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи ходимларга, кишиқичдан, ҳозирги кунда жумҳуриятимизда жуда ҳам етишмай турган информатика соҳасидаги мутахассисларга катта аҳамият берилади.

Бошқа кўплаб асосий йўналишлар бўйича мутахассисларни тўла-тўқис тейёрлаш йўлини ўзлаштиришга ҳам ҳаракат қилияёмиз. Миллий кадрларни тейёрлашга алоҳида эътибор берилади. Ҳозир инглиз тили мадал ўргатиладиган мактабларнинг бирида ёш иқтисодчилар гуруҳи шўғулланмоқда. Биз кейинчалик уларни хорижий мамлакатлардаги маркетинг менежмент, банк ишлари мактабларига юборамиз. Уларга барча хоҳлаган кишилар қўшилишиб ўқишлари мумкин.

Қайси соҳаларни ривожлантириш ва қандай мутахассислар тейёрлаш масаласи — жуда муҳим масала. Бу ишга жумҳурият «Нижоки» илмий маркази, Олий таълим вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, жумҳурият давлат қишлоқ хўжалик кооператив кўмитаси ташкилоқлар бўлимлари жалб этилган. Ҳозир ана шу барча ташкилотлар хузурида ишчи гуруҳлари ишлаб турибди.

— Жумҳуриятимиз миғлаб ёшларга катта фан йўлини очиб берса, сарф-ҳаражатлар юз баварар қоплашишга ишончим комил.

— Ушбу дастурни амалга оширишда қандай ташкилотлар қатнашмоқда?

— Дастурда қўзланган ишларни bajarиш учун жумҳурият ҳукумати, Улуғбек жамғармаси ва ёш олимлар ҳамда мутахассислар уюшмаси маблағ ажратмоқда. Бу ишга жумҳурият «Нижоки» илмий маркази, Олий таълим вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, жумҳурият давлат қишлоқ хўжалик кооператив кўмитаси ташкилоқлар бўлимлари жалб этилган. Ҳозир ана шу барча ташкилотлар хузурида ишчи гуруҳлари ишлаб турибди.

ОТАЛИҚ ҲИММАТИ

ШАХРИМИЗДАГИ болалар муассасаларида жисмоний тарбия масалаларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Уларнинг спорт иншоотлари базеларини мустаҳкамлашда эса оталиқ ташкилотлари амалий ёрдамлари катта бўлмоқда.

«Динамо» спорт комплекси ҳамда яхши хилмази кўрсати. У ўз оталиқиди 105-мактаб-интернатда жисмоний тарбияни кенг йўлга қўйиш мақсадида қатор қўлай шартлар яратди. Бу ерда

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ОРОЛ» ХАВРИЯ ТИЖОРАТ МАРКАЗИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОЙИДА
4 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА
«КУЛИНГ, ДУСТЛАР, УМИРНИГИЗ УЗОҚ
БУЛАДИ»
манавида

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Соҳиб МАМАСОЛИ,
ЕВ. Гафуров МИРЗАБОВЕВ ва хушово хонада
АЛИШЕР СУЛАЙМОНОВ
САХНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ғабекитон
ССЖда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ,
Чинталар сотилмоқда.

ДИҚҚАТ!

Қачон чиқарилганлигидан қатъи назар, яроқсиз ҳолга
келиб қолган, бироқ барча асосий халқларига (корпус,
микротелефон трубкаси, номер тергич ва бирлаштирувчи
шурлар) эга бўлган

ҲАР ҚАНДАЙ МАРКАДАГИ ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИНИ

аҳолидан ҳар бирига 6 сўмдан нақд пул тўланган ҳолда;
корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳар бирига
4 сўмдан пул ўтказиш йўли билан (ҳисобдан чиқариб таш-
лаш тўғрисидаги маълумотнома билан) ҳақ тўланган ҳол-
да

СОТИБ ОЛАМИЗ.

Харид пункти куйидаги манзилда жойлашган: Тошкент
шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй, 1-қават, 102-хона.
Маълумотлар олиш учун телефон: 33-51-59.
Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш
бирлашмаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАМ ИШГА КАСБГА ЯНАЛТИРИШ МАРКАЗИ



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Двигатель ишлаб чиқарадиган Италия, ГФР, хоржий
фирмаларнинг чет эл ускуналарини монтаж қилишга кир-
ришадиган

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ

— рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар-
нинг операторлари, автомат линиялар ва агрегатли даст-
гоҳларнинг соловчи — операторлари, электрон систе-
малар ва рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳ-
ларнинг соловчи — операторлари, назорат — ўлчаш
асбоблари ва автоматика бўйича чилангарлар, таъмир-
ловчи — чилангарлар.
Завод шартнома асосида юқоридаги касблар бўйича
ҳодимларнинг малакасини ўзгартиради ва ўқитади,
Таълим «НАМАЗ», «ВАЗ», «ГАЗ» ва ҳоказо турдоғи
ишлаб чиқаришларда ўтказилади. Ҳуши муддати — 3
ойгача, Ҳуши вақтида аввалги иш жойидати ўртача ойлик
маоши сақланиб қолади.

муҳандис — конструкторлар, технологиялар, механиклар,
электрончилар; болалар велосипедлари, мотоамортизатор-
ларни чиқариш бўйича янги халқ истеъмол моллари чи-
қаришини ташкил этиш учун;

токалар, штампловчилар, газ-электр пайвандчилар,
механика — йиғув ишлари чилангарлари, саноат ускуна-
ларини таъмирловчилар, эригувчи-куювчилар, фрезерчи-
лар, сайқалловчилар, бўёқчилар, техника назорати бўли-
ми назоратчилари, консерваловчи-жойловчилар.
Ихтисоси бўлмаганлар заводда ёки Автомобиль-қуриш
ҳўжалиги машиналари вазириятининг илгор корхоналари-
да бирор касб эгаси бўлиши мумкин. Ҳуши муддати
— 2 ойдан 6 ойгача. Ҳуши пайтида ойига 100 сўмдан
стипендия берилади. Меҳнатга ишбай-мукофотли, вақтбай
мукофотли ҳамда билвосита-ишбай нарх-наволар бўйича
ҳақ тўланади.

Ҳушидан кейин иш ҳақи 200 сўмдан 500 сўмгача.
1991—92 йилларда ЗАВОД ХОДИМЛАРИ УЧУН
«БАХТ» МИКРОРАЙОНИ ҚУРИЛАДИ.
Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар, 3—5 йил
мобайнида уй берилади.

ХИЗМАТ АВТОБУСЛАРИ ҚАТНАВ ТУРИБДИ.
Манзилми: Тошкент шаҳри, Оҳангдор шоссеи, 2-уй,
110 «а» автобус, 172-масурати такси метронинг «М.
Горький» станциясидан қатнайди; «Тошкент мотор заводи»
бекати («Бахт» кўли). Телефон 98-47-77.

БОЛАЛАР ВЕЛОСИПЕДЛАРИ, МОТОАМОТИЗА-
ТОРЛАРНИ ЧИҚАРИШ ВЪЯИЧА ЯНГИ ХАЛҚ ИС-
ТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАВ ЧИҚАРИШИ ТАШКИЛ
ЭТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН:

токалар, штампловчилар, газ-электр пайвандчилар, ме-
ханика — йиғув ишлари чилангарлари, токаларни автомат-
ларини соловчилар, эригиб қуювчилар, фрезерчилар,
гайлачилар, тернистар, жило берувчилар, силқилов-
чилар, бўёқчилар, техника назорати бўлими назоратчи-
лари, консерваловчи — жойловчилар.
Ихтисоси бўлмаганлар Серпухов автомобиль заводида
(Москва вилояти) 3 ой мобайнида бирорта касб эгаси бў-
лишлари мумкин. Ҳуши вақтида 100 сўмдан стипендия,
яна меҳнатга вақтбай — мукофотли, ишбай — мукофотли
ва билвосита — ишбай нарх — наво бўйича қўшимча ҳақ
тўланади.

Уй-жойга муҳтож кишиларга уч йилдан кейин уй бери-
лади.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат
қилинсин: Тошкент шаҳри, Фазагирлар шоҳкўчаси, 6-уй
(Аҳолини ишга жойлаштириш маркази) ва заводнинг му-
тахассислар бўлимига (телефон 98-47-77).

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАВ ЧИҚАРИШ —
ТАЙЕРЛОВ КОРХОНАСИ
ҚУЙИДАГИ КИТОВЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАРНИ

СОТАДИ

М. Булгаков. «МАРҲУМНИНГ МАКТУВЛАРИ».
Чўлпон. «ЯНА ЯНГРАЙДИ СОЗИМ...» «СИЗГА ЭР-
ТАК АЙТАМАН».
Ф. Купер. «ЖОСУС».

М. Рид. «ОЦЕОЛА СИМЕНОНЛАР ДОҲИСИС».
А. Дюма. «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (2-том).
А. Платонов. «ДАВЛАТ ФУҚАРОСИ».
Табаломалар куйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Меъморлар кўчаси, 69-уй (2, 7, 10-
троллейбуслар: 48, 87-автобуслар: 10, 27-трамвайлар-
нинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати).
48-04-93 телефони бўйича маълумотлар олиш мумкин.


ЗЕНИТ-7 ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ

(Чехов кўчаси, 10, метронинг «Ойбек» станцияси)
СУРАТГА ВА КИНОГА ОЛУВЧИ ҲАВАСКОР-
ЛАРГА ҲАМДА ЭРМАК СИФАТИДА БИРОР
НАРСА БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ ОРЗУ
ҚИЛАЕТГАНЛАРГА

таклиф қилади

Агарда ИНСОНИЯТ СУРАТГА ОЛИШ АП-
ПАРАТИНИ ИХТИРО ҚИЛМАГАНИДА ҚАНЧА-
ДАН-ҚАНЧА АЖОИБ ДАҚИҚАЛАР УНУТ БУ-
ЛИБ КЕТАРДИ.

Мабодо суратга олиш билан жиддий шугулла-
нишга қарор қилган бўлсангиз, СИЗНИ «ЗЕ-
НИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ-
ГА ВА УНИНГ ФИЛИАЛИГА (Халқлар дўстлиги
шоҳ кўчаси, 8 «а» уй) ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.



Шу ерлардан сиз суратга олиш учун, суратларни
кўпайтириш учун жамики зарур нарсаларни топа-
си:

«ЛЮБИТЕЛЬ-166У», «ЛЮБИТЕЛЬ-166 В»
ФОТОАППАРАТЛАРИ;
«СВЕРДЛОВСК-4» (баҳоси 47 сўм), «СВЕРД-
ЛОВСК-6» (беагига қараб баҳоси 28 сўмдан 28
сўм 50 тийингача) суратга олиш элекстр ЭКСПО-
НОМЕТРЛАРИ;

Эриштиб суратга олиш учун таъминот элементи
бўлиши «МОЛНИЯ» (330В) БАТАРЕЙКАЛАРИ
(1250 марта суратга олишга ярайди);

синов тарихисидда суратни қозоғга тушириш қу-
рилмалари — «СПЕКТРОЗОН-1» ва «СПЕКТРО-
ЗОН-2»;

«ОРИОН», «ЗЕНИТ ТТЛ», «ЗЕНИТ-АВТОМАТ»,
«КИЕВ 88 ТТЛ», «КИЕВ 60 ТТЛ» суратга олиш
аппаратлари ҳамда «ИХ8С-2» кинога олиш камера-
си учун РЦ-53М таъминот элементлари шулар жум-
ласидандир.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш реклама ишлаб чиқариш корхонаси

ЭЛЕКТРОНИКА

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН —
САЛОНИ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ҚУЙИДАГИЛАРНИ
МТУ-1 — (мити телевизор қурилма), баҳоси —
650 сўм.
Савдодаги термаси — камера ва монитор.

МТУ-1 — Корхона муҳофазасини ташкил қилиш ва тех-
ника жараёнини кузатиб бориш учун мўжалланган.
МС-8313 — чоп этиш қурилмаси, Хусусий ва рўзгор
ЭХМлари тарихисидда мажозий ва ёзувли ахборотни қоз-
ғода қайта қилишга мўжалланган.
Баҳоси — 1765 сўм.
НИКРОСЕМЛАР ВА ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АС-
БОБЛАРИНГ КЕНГ КЎЛАМИ САВДОДА МАВЖУД.
Манзилми: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.
Маълумотлар олиш учун телефон 33-68-60.

ТОШКЕНТ ШАҲАР РАДИО ТАРМОҒИ
Янги уйларга кирган вақтдан бошлаб хонадон
эгалари шаҳар 3 дастурли радиотармоғининг абоненти
бўлиб қолишларини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
Сизнинг хонадонингизда радиорозеткалар ўрнатилган.
Эшитиришлар маҳаллий соат билан эрталаб соат 6 дан
кечаси соат 01 гача давом этади. Хонадонда неча радио-
розетка борлигиндан қатъий назар ойига 50 тийин хизмат
ҳақи тўланади ва бошқа коммунал хизматлар учун пул
тўланаётганда қўшиб тўланади.

Радионуқта янги бузилган тақдирда 33-42-28 телефони
бўйича соат 9 дан 18 гача, 33-17-10 телефони бўйича
эрталабки соат 6 дан тунги соат 01 гача кўнгирак қилиш
ёки куйидаги манзилда жойлашган абонентлик гуруҳига
муражаат қилишингизни сураймиз: Тошкент шаҳри,
Академик Х. Сулаймонова кўчаси, 31-уй, 9 «а» бино (ме-
тронинг «В. И. Ленин номили майдоё» станцияси ёнида).
Телефон 32-26-32 (иш кунларида соат 9 дан 18 гача).
БИР ДАСТУРЛИ ВА УЧ ДАСТУРЛИ МЎҲЖАЗ
РАДИОЛАРНИ
«ТАШКУЛЬТОРГ» ДЎКОНЛАРИДАН
сотиб олиш мумкин.

Яна шунинг қўшимча маълум қиламизки, радионуқталарни
ўрнатиш, ички ва ташқи радиолаштириш тармоқларини
таъмирлаш юзасидан буюртмалар ҳам қабул қилинади.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-71-01, 32-
26-32.

ТҲЙЛАР МУБОРАК!

Киров номили маданият уйининг тўй тантаналарида
маданият хизмат қилишга мослаштирилган репертурга
эга бўлган

«БАХТ» АНСАМБЛИ
Еш келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини ўтказишда
ХИЗМАТИНИГИЗГА ТАЙЕР!
Муражаат қилиш учун манзил: М. Турғунбоева кўча-
си, 40-уй, Киров номили маданият уйи (48-эъ), 56-автобус-
ларининг «М. Турғунбоева кўчаси» бекати).
Телефонлар: 48-78-53.



Агарда сиз слайдлар билан қизиқсангиз, уларни
онда даврасида ёки дўстларингиз даврасида томо-
ша қилмоқчи бўлсангиз сизга ДИАПРОЕКТОР ке-
рак бўлади. СОТУВДА ҲАР ХИЛ — «КИЕВ-66
УНИВЕРСАЛ», «КИЕВ-66 АВТОМАТ», «ПЕ-
ЛЕНГ-500А», «ПЕЛЕНГ-599АФ», «ПЕЛЕНГ-500К»
ДИАПРОЕКТОРЛАРИ ҲАМДА «ЭКРАН» ВА
«СПУТНИК» ИХЧАМ, КИЧИК ҲАЖМЛИ ДИА-
ПРОЕКТОРЛАРИ МАВЖУД.

«КВАРЦ-1х8С-2», «КВАРЦ-8х2», «КРАСНО-
ГОРСК-3» КИНОКАМЕРАЛАРИ ЎЗ ҚУЛИНГИЗ
БИЛАН КИНО ОЛИШИНГИЗГА ЕРДАМ БЕРА-
ДИ. УНДА БОШ ҚАҲРАМОНЛАР РОЛИНИ
ЎЗИНГИЗ ЕКИ ТАНИШ-БИЛИШЛАРИНГИЗ
УЙНАШИ МУМКИН.

Кинога ва суратга олиш анжомларини сиз «Зе-
нит-7» фирмали техно-савдо марказидан (иш вақ-
ти соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15
гача, дам олиш кун — яқшанба, телефонлар
54-04-92, 54-26-52) ва унинг филиалидан (иш вақ-
ти соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15
гача, дам олиш кун — яқшанба. Телефон 45-45-53.
Транспорт: метронинг «Комсомол» станцияси, 7, 27,
59, 76, 90-автобусларда ҳам борса бўлади) сотиб
олишингиз мумкин.



«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАР- КАЗИ.

30 ОКТЯБРГАЧА
куйидаги иншоотларда
иссиқлик қувурлари қўйилади
ва иссиқ сув бўлмайд:

— «Ирригатор» турар
жой мавзеси,
— Қўба элчиқонаси,
— ТИЙИМСХ,
— «Союзэнерго-ремонт»
базаси,
— «Конструктор» илмий-
ишлаб чиқариш бирлашма-
си.

29 ОКТЯБРДАН
БОШЛАБ

«ИСКРА»
КИНОТЕАТРИДА

режиссёр В. НАУМОВНИНГ
«КОНУН»

Фильмда Сталин ҳаёти-
нинг сўнгги кунлари ва
унинг ўлимидан сўнг рўй
берган сиёсий воқеалар ҳақида
ҳикоя қилинади.

Автомат жавоб беруви-
чифонлар: 39-10-40, 39-
14-59.

Тошкент шаҳар Ҳама
районидати 204-мактаб — то-
монидан Абдуғаниев Саид-
вали Абдуғаниевич номи-
га берилган Д 790765 но-
мерли йўқолган

Урта маълумот тўғрисида-
ги аттестат
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сергели ноҳия икромия ко-
митети қошидаги «Резчик»
кооперативнинг йўқолган
ДУМАЛОҚ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ

АССАЛОМУ АЛАЙҚУМ!

«Ўсарфильм» олий киномактабининг кинорежиссура
бўлими аспирант-табааси Саид Ўсар Бек илмий ижо-
дий изланишлар олиб бориб ва тақрибалар ўтказиб,
заҳовда биринчи бўлиб «ТҲЙ» номили КИНОТЕ-
РАПЕВТЛИК ўқув кинофильмининг суратга олапти.
«ТҲЙ» номили шифоковчи ўқув кинофильмининг олий
мақсади Сизларнинг ва бизларнинг мажруҳ руҳлари-
мизга малҳам бўлиб, таскин бериш ва даволашдир.
«ТҲЙ» кинофильми Сизларни даволаш билан бирга
яширин имониётларингизни ҳам рўёбга чиқаради.
Дардларингиздан фориғ бўлмоқ истасангиз, Сиз 5
(беш) кун мобайнида бир мартадан «ТҲЙ» ўқув кино-
фильмининг томоша қилиб, сеансларни қабул қилсангиз
кифоя.

Соғлом кишилар эса, саломатликларини мустаҳкам-
ламоқ учун 5 (беш) кун мобайнида бир мартадан
«ТҲЙ» кинотерапевтик фильмни кўришлари мумкин.
Домо соғ-саломат бўлингизлар!
Санаалаштирувчи кинорежиссёр, «Ўсарфильм» муал-
лифи ва президенти — Саид Ўсар Бек.
Бизнинг эшигимиз Сизлар учун доимо очик: 700000,
«Ўсарфильм», Тошкент, Ленинград кўчаси, 48-уй, Те-
лефон: 32-01-29 (набатчилик туну кун).

«РИТМ» ТАЖРИБАВИЙ РАҚС-МУСИҚА
БИРЛАШМАСИ
МОСКВА КУЛГИ КЛУБИ БИЛАН
ҲАМКОРЛИКДА
НАМОНИШ ҚИЛАДИ
«КУЛГИ-ҚУВНОҚ... ИШ»

деб таъкидлайди ҳажвичи-ёзувчи
ЛЕВ ЛАЙНЕР.

ДАСТУРДА:
ҳаммаси нотўғри, Қукин жағлари, эрталабки азобика,
қуринмас сервис, икки мактуб (А. Моралёвнинг «Азизим»
романини қандай ёзиш тўғрисида Ги де Мопассанга ёз-
ган маслаҳатлари), шунингдек ҳажвий ҳикоялар, моно-
логлар, миниатюралар ва...
ВА «ЛАМБАДА» ТАНЛОВНИНГ ГОЛИБЛАРИ
ИШТИРОКИДА

ЭСТРАДА ШОУСИ.
Бу йтона томоша 4 ноябрь соат 19.30 да В. Н. Сивен
номидати Авнасоллар маданият ва техника саройида ўт-
казилади.

Чинталар шаба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат
15 дан 19.00 гача 84-хонада сотилади.
Маълумотлар олиш учун телефон: 06-77-02.
Манзилми: Лисунон кўчаси, 1/1 уй (8, 15, 23, 54,
72-автобуслар: 3, 23-трамвайларнинг «Авнасоллар саро-
йи» бекати).

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

6, 7, 8, 9 ноябрь соат 16.00 ва 19.30 да
«ҚИЗИҚЧИ — 90» кўринишнинг голиби, кулли устаси
ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОВЕВ
ва
хушово хонада
АБДУРАУФ ОЛИМОВ
икромияда

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайд.

Телефонлар: 41.74.30, 45.92.13.

Узбекистон Эвувчилари Уюшмаси Тарғибот маркази қошидаги «ТУРОН ЧЕЧАГИ» ансамбли бўш лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

синтезатор, элекстритара,
гитжак, най, доира.
Танловда олий ва ўрта
маълумотли малакали мута-
хассислар ва иқтидорли ёш-
лар қатнашишлари мумкин.
Танлов муддати 1990 йил
31 декабргача. Хужжатлар
куйидаги манзилда қабул қи-
линади: 700000, Тошкент
шаҳри, М-1 мавзеси, 8-уй,
1-хона. Телефонлар: 33-50-
79, 33-47-56.

НАВОНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК НАТТА
ТЕАТРИДА — 30/Х да Пино-
вал дама, 31/Х да Ворчасарой
фавораси.

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 30/Х да Келин-
лар кўзголини, 31/Х да А. Ко-
дирининг ўтган кунлари.
МУҚИМНИ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ
ТЕАТРИДА — 29/Х да Табассул
оқиқом, 31/Х да Мушкул сав-
до.

АВРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДА-
ГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА
ТЕАТРИДА — 29/Х да Найнов
ва пақана, 30/Х да Гузаллар
ва миришлар, 31/Х да Фар-
монбини аралади.

ДИҚҚАТ!

Тимирязев кўчасининг
иссиқлик қувуридати авария
оқибатларини тугатиш му-
носабати билан

29 ОКТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ИШҚ
ТҲРЛАРИ» (натта зал, 18.30,
21.00).
Чайна — «ИШҚ ТҲРЛАРИ»
(18.30, 21.00).
Востон — «ШАОЛИНЬ ЛА-
МАГА ҚАРШИ» (17, 18, 20.30).
Москва — «ФАЗОДАГИ ТҲС-
ТУПОЛОН» (19, 20.40).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИ-
ЗАЛОҚ БУЛАДИ» ЛЕВ УМИД
ҚИЛАЙЛИК» (17, 20.00).
К. Ерматов номили — «ПРО-
КУРОР УЧУН СОВҒА» (тоқ со-
атларда).

30, 31 ОКТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «МУҚАД-
ДАС ҚОН» (ички зал, 12, 14,
16, 18, 20.00).
Чайна — «ИШҚ ТҲРЛАРИ»
(11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Востон — «ШАОЛИНЬ ЛА-
МАГА ҚАРШИ» (11, 13, 15, 17,
19, 20.30).
Москва — «ФАЗОДАГИ
ТҲС-ТУПОЛОН» (11, 13, 15, 19,
20.40).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИ-
ЗАЛОҚ БУЛАДИ» ЛЕВ УМИД
ҚИЛАЙЛИК» (11, 14, 17, 20.00).
К. Ерматов номили — «ПРО-
КУРОР УЧУН СОВҒА» (тоқ со-
атларда).

ЎРТА ОСИЕ ВА ҚОЗО-
ҒИСТОН МИЛЛИЙ КИНЕ-
МАТОГРАФИЯ МАРКАЗИ

29 ОКТЯБРДАН
БОШЛАБ

«ИСКРА»
КИНОТЕАТРИДА

режиссёр В. НАУМОВНИНГ
«КОНУН»

Фильмда Сталин ҳаёти-
нинг сўнгги кунлари ва
унинг ўлимидан сўнг рўй
берган сиёсий воқеалар ҳақида
ҳикоя қилинади.

Автомат жавоб беруви-
чифонлар: 39-10-40, 39-
14-59.

Тошкент шаҳар Ҳама
районидати 204-мактаб — то-
монидан Абдуғаниев Саид-
вали Абдуғаниевич номи-
га берилган Д 790765 но-
мерли йўқолган

Урта маълумот тўғрисида-
ги аттестат
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сергели ноҳия икромия ко-
митети қошидаги «Резчик»
кооперативнинг йўқолган
ДУМАЛОҚ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ